

МАҲАЛЛА РАИСИ САЙЛОВЛАРИ: МУҲОКАМА, МУНОЗАРА, ТАНЛОВ

Мамлакатимизда 1 майдан маҳалла раислари сайлови бошланди. Белгиланган янги тартиб бўйича бу йилги сайловларда илк маротаба маҳалла раислари беш йил муддатга сайланишади. Шунга мувофиқ май-июн ойлари давомида республика-миз миқёсида мавжуд 9542 та, шу жумладан, туманимиздаги 39 та маҳаллада сайловлар ўтказилиши белгиланган.

Тумандаги маҳаллаларда сайловларни амалдаги қонунчилик тартибида ўз муддатида ўтказиш учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилди. Бунда сайловни ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар аъзолари кўмағида сайлов ўтказиш белгиланган жойлар маҳалла раислари сайловини ўтказишга доир кўргазмалар ва техник воситалар билан жиҳозланиб, сайловни ўтказишга қўмаклашувчи комиссия аъзолари учун махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Қонун билан белгиланган тартибга кўра сайловлар қатъий муқобилик асосида ўтказилиши белгиланган бўлиб, бугунгача бўлиб ўтган барча сайловлар жараёнида бу тартибга қатъий амал қилинган. Жумладан, туманимиз миқёсида илк сайлов бўлиб ўтган Дуоба маҳалла раиси сайловида — 3 нафар, Бошработ маҳалласида 3 нафар, Арикусти маҳалласида 3 нафар, Пойгабоши маҳалласида 2 нафар, Газа маҳалласида 3 нафар номзодлар маҳалла раиси сайловида муқобилик асосида беллашдилар.

Дастлабки сайловлар натижаси бугунги кунда фуқаролар ўз маҳаллаларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳоли турмуш даражаси, мавжуд муаммоларга нисбатан эътиборсиз эмасликларини кўрсатмоқда. Буни, бўлиб ўтаётган сайловлар чоғида сайловчилар вакиллари томонидан номзодларнинг сайловолди дастурларига бўлган муносабатларидан ҳам сезиш мумкин. Маҳалла фаоллари, фуқаролар номзодлардан, шунчаки қоғозда қолиб кетувчи ҳавоий лойиҳаларни эмас, балки аниқ таҳлил ва ҳисоб-китобга таянган, эртага маҳалла учун манфаат келтирадиган дастурларни талаб қиляптилар.

—Бугун ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуққини жуда яхши билади, у қонунчиликдан дурустгина хабардор, шундай бўлган, сайловлар жараёнида маҳалла раислигига номзодлардан кейинги беш йиллик муддатда бажарилиши лозим бўлган аниқ лойиҳаларни талаб қилишга ҳақли, — дейди Арикусти маҳалласида бўлиб ўтган сайловда иштирок этган

фуқаро, маҳалла фаоли Нормўмин Ашуров. — Биз бўлиб ўтган сайлов жараёнида аниқ дастурий талабларга суянган ҳолда амалда фаолият кўрсатиб турган маҳалламиз раиси Тўлқин Муртазоев номзодини қўллаб-қувватлаб, қайта маҳалла раислиги лавозимига сайладик. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, аввалги муддат давомида Т.Муртазоев маҳалла фаоллари, оқсоқоллар ҳамкорлигида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида маълум ижобий натижаларга эришиб, халқнинг кўнгилдан жой олди. Тан олиш керак, маҳалла раиси ҳудудда ичимлик суви, аҳоли томорқалари учун оқар сув масалалари, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, камбағал оилалар билан ишлашда ўзига хос тажрибага эга. Мана шундай тажриба ва билим кейинги беш йилда ҳам бизга манфаат келтиришига ишонамиз. Қолаверса, раиснинг шахс сифатида ҳам маҳаллада ўз обрў-эътибори бор. Хуллас, барча номзодлар ичида биз учун энг мақбули ва сайлов натижалари ҳам шунга мос бўлди деб биламан.

—Бу йилги маҳалла раиси сайлови бизнинг Бошработ маҳалла-мизда ҳам ҳар қачонгидан фаолроқ ва очиқ-ошкора тарзда ўтди, — дейди биз билан суҳбатда шу маҳалла фаоли Сафар Жумаев. — Энг аввало сайловчилар ҳар бир номзоднинг сайловолди дастури билан сайлов кунигача батафсил танишган эдилар. Уларга эса бу йил илк марта ўз номзодини қўйган Илҳом Муродовнинг сайловолди дастури жуда маъқул келди. Тан олиш керак, номзоднинг дастури тўлиқ беш йиллик фаолиятни қамраб олган. Унда маҳаллага тегишли бўлган деярли барча энг муҳим масалалар қамраб олинган. Моҳиятан маҳалла фуқаролари кўнгилда кечиб юрган ижтимоий муаммолар жой олган унда. Қолаверса, муқаддам бир қаҳриқ туман Кенгаши депутати сифатида жамоатчилик билан ишлаш тажрибаси ҳам мавжуд.



Номзоднинг шу каби имкониятлари эътиборга олиниб, унга мутлақ кўпчилик овоз бердик. Келгусида янги сайланган маҳалла раиси ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш борасида бизнинг ишон-чимизни оқлайди, деган умиддамиз.

Маҳалла раиси сайловлари тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар, фактларга таяниб, умумий ҳолат ҳақида хулоса қилиш ҳали эрта. Деярли бир ярим ой давомида биз барчамиз сайлов билан боғлиқ қизгин мулоҳазалар ичида бўламиз. Балки энг қизгин тортишувлар, муҳокамалар олдиндадир. Нима бўлганда ҳам барча ҳудудларда сайловлар, энг аввало қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик эмас, балки очиқ-ошкора, демократик тамойиллар асосида ўтади, деган умид-дамиз. Зеро, маҳалла саркорлигига энг муносибларини танлай олишимиз бу — кейинги беш йил давомида маҳаллаларимизнинг бутун тақдири, аҳоли фаровонлиги ва пировард натижада туманимиз истиқболли билан боғлиқ масалаларга тўғри ечимдир.

Азамат ҒАҒҒОРОВ.

Биз яқиндагина иккинчи жаҳон урушида қозонилган тарихий ғалабанинг 80 йиллигини нишонладик. Тарихдаги энг қонли, энг кўп инсонлар ёстигини қуритган ва башариятга энг кўп қулфатлар келтирган, қолаверса, тарих измини ўзгартирган бу урушда ҳалок бўлган, бедарак йўқолган ўн миллионлаб (кейинги тахминларга кўра 50 миллиондан ортиқ) кишиларнинг деярли учдан икки қисми, афсуски, собиқ иттифоқ давлатларининг фуқаролари эди. Улар орасида бир ярим миллион ўзбекистонликлар бўлиб, беш юз мингдан ортиқ ватандошларимиз фашизм устидан қозонилган ғалабани деб жонларини фидо қилишди.

Тарихий маълумотларга кўра, Ўзбекистон ўша даврларда нафақат фронтни аскарлар билан таъминловчи, балки эвакуация қилинган миллионлаб бошпанасиз болалар, оилалар, уруш ногиронларига бошпана берувчи, фронтни озиқ-овқат, қурол-яроқ (уруш даврида юзлаб ҳарбий саноат корхоналари Ўзбекистонга кўчирилиб, улар жуда қисқа вақт ичида фронт таъминоти учун маҳсулот ишлаб чиқара бош-

БОЙСУНДАН БЕРЛИНГАЧА КЕЧГАН ШАРАФЛИ ТҮРТ ЙИЛ



Туман марказидан олис ҳудудларда аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини жойида ўрганиш ва бартараф этиш кейинги пайтда яхши аънаъга айланиб бормоқда.

Бу бир жиҳатдан фуқароларнинг олис йўл босиб туман ҳокимлиги ёки давлат ташкилотларига мурожаат қилиш, беҳуда вақт сарфлашларининг олдини олишга хизмат қиляпти. Жумладан, жорий йилнинг 12 май кунидан

Мухтарам Президентимиз доимий таъкидлаб келаётганларидек, халқ дардини эшитиш, муаммоларни ҳолисона ўрганиш, энг аввало, фуқароларнинг жамиятга бўлган ишончини янада оширишга, уларнинг ҳаёт даражаси, яшаш тарзи яхшиланишига хизмат қилади, шу-бҳасис. Бунга шу кунги Ўрта Мачай маҳалласи фуқаролари билан бўлиб ўтган сайёр қабул натижаларидан ҳам яна бир бор ишонч ҳосил

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Бойсун туман Кенгашининг 2020 йил май ойидан 2025 йил май ойигача бўлган даврдаги фаолияти ва навбатдаги вазифалар муҳокама этилган IX конференцияси бўлиб ўтди. Унда Кенгаш раиси Р.Улуговнинг кейинги беш йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот маърузаси муҳокама этилди.

2020 йилги ҳисобот-сайлов конференцияси пандемия туфайли он-лайн шаклда ўтганлигини эътиборга олсак, орадан ўн йил ўтиб Кенгаш аъзолари ва фаоллар илк марта мана шундай кенг форматда учрашиб, Кенгаш фаолиятини муҳокама этишди. Шу боис конференция, қутилганидек, танқид ва кенг таҳлилга асосланган қизгин муҳокамалар асосида ўтди.

Делегатлар муҳокамасига, одатдагидек, кун тартибида белгиланган бир нечта масалалар ҳавола этилди. Шубҳасиз, улардан энг муҳими Кенгаш раисининг кейинги беш йиллик умумий фаолият юзасидан маърузаси бўлди.

Маърузада таъкидланганидек, ҳисобот даврида корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилган 8 та бошланғич ҳамда 367 та фермер хўжаликларга бирлашган 1360 нафардан ортиқ касабга уюшмалари аъзоларининг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳисоботдан-ҳисоботгача бўлган беш йиллик давр мобайнида жами 54 нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига, касабга уюшмалари сиҳаттоҳлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилиб, ўз соғлиқларини тиклаб олишларига амалий ёрдам кўрсатилган. Тизимда ишловчи ишчи-ҳодимларнинг 35 нафари эса республикамизнинг диққатга сазовор қадамжоларига саёҳатга юборилган. Яна 42 нафар ходимларнинг фарзандлари вилоятдаги болалар

БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

оромгоҳларида дам олишлари ташкил этилган.

Маълумки, касабга уюшмаларининг энг асосий профессионал вазифаларидан бири бу — корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, уларга қулай иш шaroитлари яратилишига қонунийликда белгиланган меъёрлар доирасида амалий қўмак бериш, ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари бузилишлари ҳолатларини ўрганиш ва бундай ҳолларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Кенгаш аъзолари кейинги беш йиллик фаолияти давомида бу соҳада ҳам тегишли меъёрий ишларни амалга оширган. Натижада, маърузада қайд этилишига кўра, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида Агросаноат мажмуи ходимлари туман Касаба уюшмаси томонидан корхо-

тини ўрганиш чоғида 35 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, бартараф этишга эришилди. Жумладан, соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати натижасида 70 нафардан зиёд ишчи-ҳодимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 115 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди. Умумий ҳисобда республика миқёсида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида касабга уюшмалари томонидан 16 мингга яқин корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, 61 мингдан зиёд камчиликлар бартараф этилгани, 14 минг нафарга яқин ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 13,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилгани, касабга уюшмалари фаолиятидаги ижобий силжишлар натижаси дейиш мумкин.



на, ташкилот, фермер хўжаликлари ва ўқув муассасаларининг фаолият

(Давоми 2-бетда)

ТОҒЛИКЛАР МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ



туман ҳокими Б.Шукуров, туман прокурори, туман ички ишлар бўлими, Давлат хавфсизлик хизмати, туман Халқ қабулхонаси, ҳамда тегишли ташкилот-корхона раҳбарлари Юқори ҳамда Ўрта Мачай маҳаллаларида бўлиб, навбатдаги сайёр қабул ўтказдилар.

Хусусан, Юқори Мачай маҳалласида бўлиб ўтган сайёр қабул чоғида 20 нафар фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари таҳлил этилгани ҳолда ўрганилди. Жумладан, маҳалла фуқаролари томонидан қишлоқ хўжалиги, кадастр хизмати, уй-жой таъмири, болалар нафақаси, ичимлик суви таъминоти, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат сифати, шунингдек, ички ишлар хизмати билан боғлиқ долзарб масалалардан иборат мурожаат ва таклифлар кўриб чиқилиб, тегишли масуллабга тақдим этилиб, ижроси назоратга олинди.

қилиш мумкин. Туман ҳокими Б.Шукуров бошчилигидаги гуруҳ аъзолари мазкур маҳалла фуқароларидан тушган мурожаатларни ўрганиш асосида, уларда кўтарилган ҳар бир катта-кичик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилган ҳолда, муносиб ечим топиш ва бу ҳақда мурожаат эгаларига ўз вақтида маълумот етказиш лозимлигини алоҳида эътиборга олдилар.

Сайёр қабуллар жараёнида гуруҳ аъзолари аҳоли билан ўтказилган мулоқотларда тоғ аҳолисининг турмуш тарзини янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлашда томорқа маданиятини янада юксалтириш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ўзига хос механизмлари хусусида фикрлашиб, бу ҳақда аҳолининг таклиф ҳамда мулоҳазаларини ҳам эшитдилар.

Юнус ХОЛИЁРОВ,

Бойсун туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.

Маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бугунги кунда ҳудудларда эътиборда турган энг муҳим вазифалардан бири саналади. Айниқса, кейинги пайтларда бу каби хайрли ишларда маҳаллалар фаоллари, хусусан фуқаролар, тadbиркорлар ва кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этаётгани пировардида маҳаллалар чирой очиш каторида ҳудудий муаммолар бартараф этилаётди.

Бизнинг Пасурхи маҳаллаимиз туманимиздаги энг йирик маҳаллалардан бири саналади. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби бу ерда ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Фақат уларни бартараф этиш, қишлоғимизни ободонлаштириш, тўй-маъракаларни тартибли равишда ўтказиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда Пасурхида ҳали ҳам кўп асрлик анъаналар, маҳаллий одатларимиз асосида иш олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир иш, масала оқсоқоллар Кенгаши маслаҳати билан амалга оширилади. Масалан, кўп йиллар аввал туманимизда биринчилардан бўлиб маҳалла ички йўлларини ҳашар асосида таъмирлаш, асфальтлаш тажрибаси бизнинг маҳаллаимизда амалга оширилган эди. Ички сув йўлларини тартибга солиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш, бартараф этишда ҳам мана шундай бирдамликни кўрамиз. Айни дамда қишлоғимиз марказини безаб турган маҳобатли жомеъ масжиди биносини шу қишлоқда туғилиб ўсган тadbиркорлар эксон этган хайрия маблағлари ҳисобига қишлоқ аҳли ҳашар усулида бунёд этганлар. Шунингдек, маҳалла ҳудудига давлат ва давлат-хусусий шерикчилик асосида боғчалар қурилиши, қишлоқ марказидаги асосий кўчани реконструкция қилиниши каби лойиҳалар айнан маҳаллаимиз фидойи фаоллари, оқсоқолларининг тақлифлари билан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида рўёбга чиқарилди.

Маҳаллаимиз аҳли орасидаги ўзаро биродарлик, ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни кейинги авлод вакиллари ҳам давом эттираётганлиги, юқорида тилга олинган хайрли ишлар Пасурхида бундан кейин ҳам мудом давом этиши, зотан, ёш авлод ота-боболаридан ўтиб келаётган удумларга содиқ эканликларидан дарак беради. Бунинг исботи тариқасида кун



СОБИҚ СИНФДОШЛАР ХАЙРИЯ ТАШАББУСИ

кеча ушбу қишлоқдаги 5-сон умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчилари — 1993 йилда туғилган ҳамқишлоқларимизнинг амалга оширган яна бир хайрли ишларини мисол келтириш мумкин.

Собиқ мактабдошларнинг собиқ синф раҳбарлари ва устози, бугунги кунда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Нормахмд Шарипов билан ҳамкорликдаги ташаббуслари натижаси ўлароқ маҳаллаимиз марказига кириш жойида маҳалла номи, паспорти, харитаси ва маҳалланинг умумий маълумотлари акс этган улуғвор стелла ўрнатилди. Мазкур замонавий иншоот, ҳозирча туманимиз маҳаллалари ичида ягона нусхада бўлиб, у Тошкент шаҳридаги етук мутахассислар томонидан лойиҳалаштирилган. Ушбу иншоот қурилишига собиқ синфдош дўстлар қарийб 30 миллион сўм маблағ хайрия қилдилар. Шунингдек, собиқ талабалар Бойсунсой қирғоқларини бирлаштириб, маҳаллани туман маркази билан боғловчи йирик кўприкни ҳам қайта таъмирлаб, унга янада замонавийлик бағш этдилар ва ушбу иншоот ташриф буюрувчи меҳмонлар, ўткинчи-йўлчиларга янада эстетик завқ бериши шубҳасиз.

Собиқ синфдошларнинг ўз устозлари бошчилигида амалга оширган хайрли ишларининг тантанали очилиш маросимида маҳалла фаоллари, шу жумладан, бугунги кунда олис юртларда таълим олиб нуфузли даражаларга эришган ҳамқишлоқ биродарларимиз — Ломоносов номидаги Москва университетининг доценти Рауф Раҳмонов, Ядровий тadbикотлар бирлашган институтининг катта илмий ходими ва Дубна Давлат университети доценти Илҳом Раҳмоновлар иштирок этиб, маҳаллаимиз аҳли томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлардан мамнун эканликлари ва ўз ҳамқишлоқлари ҳозир ҳам мана шундай ҳамжиҳатлик ҳислатларни унутмаганликларидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Тadbбир давомида сўз олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсанд Раҳимов, маҳалла фаоли, таниқли санъаткор, Тожикистон халқ артисти Х.Насриддиновлар ҳам маҳалла ободлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган, хайрия ишларига қўл уриб, катта ташаббуслар билан чиқаётган ҳамқишлоқларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

**Неъмат Йўлдошев,
Пасурхи МФЙ фаоли.**

YOSHLAR – UCHINCHI RENESSANS POYDEVORI

Darhaqiqat, tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak, har bir buyuk uyg'onish davrining markazida yoshlar turgan. 9-12 asrlarda yurtimiz zaminida yetishib chiqqan Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sinoi, Al-Xorazmiy kabi mutafakkirlar yoshligidan ilm-fanni qadrlab, dunyo taraqqiyotiga ulkan hissa qo'shganlar. Ularning merosi bugungi avlod uchun ilhom manbaiga aylangan. Prezidentimiz tashabbusi bilan qabul qilingan "Yoshlar kelajagimiz" davlat dasturi, "Besh muhim tashabbus" loyihasi, Yoshlar ishlari agentligi faoliyati, bularning barchasi zamonaviy O'zbekiston yoshlariga ilm-fan, tadbirkorlik, sport va san'at sohalarida o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishlari uchun keng sharoit yaratmoqda.

Yoshlarni ma'naviy-ma'rifiy va texnik jihatdan rivojlantirish

shug'ullanish imkoniyati yaratildi. Axborot texnologiyalar yo'nalishida "One Million Uzbek Coders" loyihasi doirasida yoshlar uchun bepul dasturlash va IT ta'lim imkoniyatlari yaratildi. Men ham ushbu imkoniyatlardan samarali foydalanib, bir qator sertifikatlarni qo'lga kiritib, "Best programmer" tanlovlari orqali yosh dasturchiga aylandim. Kitobxonlikni rivojlantirish uchun "Yosh kitobxon", "Eng faol kitobxon oila" tanlovlari tashkil etildi. Respublikada yangi kutubxonalar va kitobxonlik faoliyati yo'lga qo'yilib, yoshlar kitob mutolaasiga jalb qilindi. Ta'lim va texnologiya sohasida O'zbekiston yoshlari 2025- yilda xalqaro miqyosda salmoqli yutuqlarga erishmoqda. "Texnovation Uzbekistan-2025" dasturi doirasida yosh qizlar mobil ilovalar yaratish bo'yicha musobaqalarda ishtirok etib, Kaliforniyada o'tadigan xalqaro final bosqichiga yo'llanma oldilar. Shu bilan birga, yoshlardagi ta'lim va ishbilamlonlikni qo'llab-



maqsadida esa 2019-yil 19-martda Surxondaryo viloyatiga tashrif chog'ida Prezidentimiz tomonidan "Besh muhim tashabbus" loyihasi ilgari surildi. 2019-yil 3-aprel kuni bu tashabbus rasman e'lon qilindi va amalga oshirish uchun maxsus qarorlar qabul qilindi. San'at va madaniyat yo'nalishida "Yangi avlod" festivallari, "San'at va yoshlar" ko'rik-tanlovlari va shu kabi ko'plab loyihalar orqali minglab yosh iste'dodlar aniqlanib, ular uchun o'z mahoratini namoyish etish imkoniyati yaratildi. Biz ham 6-umumta'lim maktabi jamoasi sifatida Boysun tumani madaniyat uyida o'tkazilgan "Maktab ansambli" tanlovida ishtirok etib, faxrli o'rinni qo'lga kiritdik.

Sport sohasida "Besh tashabbus olimpiadasi" kabi ommaviy musobaqalar o'tkazilib, minglab yoshlar futbol, voleybol va boshqa sport turlariga jalb qilindi. Mahallalarda esa sport inshootlari qurilib, yoshlar uchun bepul

quvvatlash maqsadida 2,5 milliard so'ngacha imtiyozli kreditlar va 2 milliard so'ngacha investitsiyalar ajratilmoqda. Bu tashabbuslar yoshlarning innovatsion g'oyalarini ro'yobga chiqarishga keng yo'l ochmoqda. Yoshlar jamiyatining eng faol, eng fidoyi va umidli bo'g'inidir. Uchinchi renessans tomon dadil odimlayotgan O'zbekiston yoshlari bilim, fidoyilik va ezigulik bilan yurt ravnagiga xizmat qilmoqda. Ularning ilgama chanoqqoligi, yurtga sadoqati va teran tafakkuri bilan Uchinchi Renessans poydevori mustahkam barpo bo'ladi. Har bir yosh qalbida porlayotgan orzu — bu kelajak taraqqiyotining boshlanishi. Uchinchi Renessans sari oliv boruvchi yo'l aynan shu orzular bilan quriladi. Ularga ishonish emas, ularning ortidan ergashish va qo'llab-quvvatlash kerak. Negaki, O'zbekistonning porloq kelajagi mana shu bilimli yoshlar qo'lida.

Javohir ALIMOV,

6-umumta'lim maktabining 11-sinf o'quvchisi.

ҚИШЛОҚДА ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КҮРИК

Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шiori остида саломатлик ойлги ўтказилмоқда. Кўни кеча ушбу “Саломатлик ойлги” доирасида бизнинг Кофрун маҳаллаимизда ҳам бир гуруҳ тажрибали шифокорлар иштирокида саломатлик кўни ўтказилди.

Олиқ қишлоқ аҳолисининг соғлигини мустаҳкамлашга, шунингдек, қишлоқ аҳолисида жойида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аниқланган касалликлар бўйича тезкор чоралар кўришга қаратилган кенг кўламли тadbбирга малакали терапевт, хирург, онколог, маммолог, кардиолог, офтальмолог, педиатр, уролог, стоматологлар жалб этилиб, чуқурлаштирилган тиббий кўрик энг замонавий кўча асбоб-ускуналар, шунингдек, ЕКГ, УТТ ва лаборатория текширувлари ёрдамида амалга оширилди. Муҳими, ўтказилган барча амалиётлар ва тиббий хизмат кўрсатиш бепул йўлга қўйилди.

Тўғриси, қишлоғимиз шаҳар марказидан қарийб 20 километр олисда бўлгани боис ҳар доим ҳам туман марказий шифохонаси ёки вилоят шифохоналарига бориб кўринишнинг иложи бўлмайди. Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тadbбир, мана шундай бир шaroитда айни муддао бўлди. Хусусан, қишлоқ аёллари, айниқса, ёш болаларни чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказиш учун ҳар доим ҳам бундай қулай имконият бўлавермаслиги-

ни эътиборга олсак, биз учун мазкур тadbбир муҳим аҳамият касб этишини аниқлаш қийин эмас.

Тadbбир давомида фуқароларда аниқланган касалликлар тахлил этилиб, мутахассис шифокорлар тавсиясига кўра беморларга стационар ёки амбулатор бўлганлиги унун тавсиялар берилиб, зарур бўлганларга марказий шифохоналарга бориб даволанишлари учун йўлланмалар тақдим этилди. Шунингдек, чуқурлаштирилган тиббий кўрик давомида мутахассис-шифокорлар томонидан оилада, меҳнат жараёнида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, хусусан, шахсий гигиенага амал қилиш, танада касаллик аломатлари пайдо бўлганда бепарволикка йўл қўймаслик ва ўз вақтида, ҳеч бўлмаганда қишлоқ врачлик пункти ёки оилавий поликлиникаларга бориб, маҳаллий шифокорларга мурожаат қилиш ва тегишли маслаҳатлар олиш бўйича тавсиялар, тушунтиришлар ҳам берилди.



**Бахтигул АБДИМУМИНОВА,
Кофрун маҳалла фуқароси.**

КУТУБХОНАДА ХОТИРА ТADBБИРИ

Сурхондарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонасининг Бойсун филиали ҳамда Бойсун туман маданият маркази қошида ташкил этилган кутубхона ходимлари ҳамкорлигида жойларда китобхонликни тарғиб этишга қаратилган тadbбирлар қаторида махсус саналар муносабатига бағишланган маънавий-маърифий тadbбирлар ўтказишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Иккинчи жа-



Тadbбирда иштирок этган “Бойсун” газетаси бош муҳаррири Д.Орипов ёшлар билан бўлган мулоқот чоғида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанини севиш ҳамда Ватан фидойилари бўлиб етишишларида китобнинг ўрни алоҳида эканлиги ҳақида таъкидлаб, китобхонлик бугунги маънавий ҳаёт тарзимиининг энг муҳим қисмига айланиши лозимлиги, бунда энг аввало, ёшлар китобхонликини ўз қўндалик ҳаёт эhtiёжларига айлантиришлари лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди. Мулоқот чоғида, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар бўйича давлат сиёсати, ёшлар таълим-тарбиясига, хусусан, ватанпарварлик тарбиясига оид сиёсатга нисбатан тadbбирда иштирок этган ёшларнинг муносабатлари хусусида савол-жавоблар ташкил этилди.

Тadbбир сўнггида иштирокчилар ҳар икки кутубхона ходимлари томонидан мазкур кутубхоналар фаолияти, у ерда ташкил этилган шарт-шaroитлар, китоблар фонди ҳамда китобхонлик тарғиботи борасида олиб борилаётган ишлар билан таништирилиб, маҳалла фаоли Б.Юсуповга кутубхоначилар жамоасининг эсталик совғаси топширилди.

Ҳалима ЖҲАҚУЛОВА,

Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонаси Бойсун туман филиали мудираси.

Садоқат ЗИЁДУЛЛАЕВА,

Бойсун туман Маданият бўлимига қарашли кутубхона ходими.



ҳон урушида эришилган ғалабанинг 80 йиллигига бағишлаб ёшлар иштирокида “Авлодлар хотираси мангу” мавзусида маърифий тadbбир ташкил этилди.

Тadbбирда сўз олган Африқусты маҳалласи фаоли, маҳалла нуронийлар маслаҳат Кенгаши раиси Бозор Юсупов ёшларга Иккинчи жаҳон уруши даврида ғалабани яқинлаштириш ва урушда ғолиб чиқишга ҳисса қўшган Ўзбекистон халқининг фронтда ва фронт орқасида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтди. Шунингдек, бойсунликларнинг ҳам уруш давридаги оғир меҳнатлари, жумладан, тўрт йиллик оғир жангларга ўн минг нафардан ортиқ бойсунликлар сафарбар этилгани хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul
tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
“BOYSUN” gazetadasin materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

**BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV**

**NAVBAATCHI:
Azamat G'AFFOROV.**

Internet materiallaridan foydalaniladi.

ISSN 2181-7073

BOYSUN

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tumani Kengashi va tumani hokimligi

ЯҚИЛ БЎЛАН ҚАРДОШЛАР

*(Самарқанд саммитидан сўнг)
Қадим қардош эрур, ҳукмдор Арслон,
Бешовлон бирикса элдор фаровон.
Яқдил бўлди ўлка, йўллари раvon,
Янги замон учун очилар имкон.*

*Бутун жаҳон бизга қилишар ҳавас,
Сармоя киритгай бўлиб ҳамнафас.
Фирромлик қилишмас, шунинг ўзи бас,
Беғараз, ҳалолдир, бир тан, бир нафас.*

*Бизни кўриб жаҳон ҳайратда қолди,
Бешовлон бирикиб зўр марра олди.
Дўстлик масканига бир кўргон солди,
Улкан режалардан кўзлар қувонди.*

*Бирлашди бир бўлиб қадим Туркистон,
Байроқлар мавжланди азим Туркистон,
Дўстлигинг куч берар сенга Туркистон,
Ғаним ҳаёллари пучдир Туркистон.*

*Темур бобонг қутган юрт бўлдинг яна,
Халқингга барака, қут бўлдинг яна,
Дўстлик байрамини қилди тантана,
Бу буюк дўстлиқни кўрдик шоҳидёна.*

*Жомий, Навоийни ўқиган диёр,
Чингиз, Махтумқулини ўқиган диёр,
Абай достонларин тинглаган диёр,
Беш ўлка бир бўлиб айтишди алёр.*

*Буюк “Ипак йўли” чорраҳасида,
Қадим қуёшли юрт остонасида,
Янги Ўзбекистон тўйхонасида,
Мақсадлар бирлашди кўк шодасида.*

*Туркистон, Туроннинг “Алпомиш”лари,
Туркистон, Туроннинг “Манас” ўғлони,
Туроннинг “Гўлўғли”, “Гўлзебо”лари,
Сизларни қутлайди юртим осмони.*

*Яқдил бўлган давлат тобе бўлмайди,
Эллари эл бўлар, муте бўлмайди,
Ётлар бу ўлкада даврон сурмайди,
Ғаним пўйисини кўзга илмайди.*

*Бир-бирига сирдош, синамол дўстлар,
Юртингда бўлмасин ҳеч каму кўстлар.
Қайта раvon бўлсин, қум босган излар,
Доим ёруғ бўлсин элингда юзлар.*

*Минтақа мустақил, мустақил бирлик,
Қозоқ, ўзбек, қирғиз, туркману тожик,
Бирлашиб қилсалар эзгу ҳамкорлик,
Ҳайбатидан ғаним қилади ҳадик.*

*Омин денг яхшилар, тинч бўлсин замон,
Омин денг яхшилар, соф бўлсин осмон.
Шоҳи одил бўлсин, эли фаровон,
Бирликда бир бўлиб сурайлик даврон.
Хидир ЧОРШАНБИЕВ.*

ТАХРИРИЯТ MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@mail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta "Surxon tongi" va "Zarya Surxana" gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.